

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.2019.Fil.02.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАМИНОВА РАҲИМА МАЛИКОВНА**

**ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИДА ТУРКОНА УСЛУБ  
МАСАЛАСИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological Sciences**

**Даминава Раҳима Маликовна**

Ўзбек мумтоз шеърятда туркона услуб масаласи ..... 5

**Даминава Раҳима Маликовна**

Вопросы тюркского стиля в узбекской классической поэзии ..... 25

**Daminova Rahima Malikovna**

The issue of Turkic style in Uzbek classical poetry ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.2019.Fil.02.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАМИНОВА РАҲИМА МАЛИКОВНА**

**ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИДА ТУРКОНА УСЛУБ  
МАСАЛАСИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil523 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Салоҳий Дилором Исомиддин кизи  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна  
филология фанлари доктори, доцент

Шодмонов Нафас Намозович  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03.30.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «13» НОЯБР соат 17:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс:(8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№57 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «31» ОКТАБР куни тарқатилди.  
(2020 йил «  » даги 1 -рақамли реестр баенномаси).



М.Қ.Муҳиддинов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Б.Йўлдошев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
филол. ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида туркий тилларда яратилган бадиий ижод намуналарининг тил, услуб ва поэтик хусусиятлари муайян даражада ўрганилган, бу бебаҳо маънавий хазинанинг инсоният бадиий тафаккури тарихи тараққиётидаги аҳамияти белгиланган. Шунинг билан бирга туркий тилда жамланган адабий мероснинг кейинги даврлар жаҳон адабиёти ва фанига кўрсатган кучли таъсири эътироф этилган. Тиллар, услублар, адабиётлар, йирик ижодкорлар орасидаги ўзаро ижодий мулоқот жаҳон адабиётшунослигида муштарак мавзулар, илмий муаммолар ва қизиқишлар пайдо бўлиши учун замин яратди. Бинобарин, туркий тилда яратилган адабиётнинг ўзига хос услуби ва услубий йўналишларини, поэтикаси хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ этиш жаҳон адабиётшунослигида тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон адабиётида шарқ мумтоз поэтик услублари ва туркий тилда яратилган бадиий ижод намуналарида намоён бўлган туркона услубнинг ўзига хосликларида муштараклик жиҳатлари касб этиши билан ҳам белгиланади. Қадимги туркий шеърият адабий анъаналар, ўзаро таъсир ва акстаъсир, янгиланиш ва тараққий этиш жараёнида мумтоз Шарқ шеъриятининг мукамал ишланган бадиий қонуниятлари доирасига кириш имкониятига ҳам эга бўлди. Шарқ мумтоз поэтикаси ғоявий-бадиий анъаналари ва шеърий шакллари туркий тил тараққиёти учун ўзига хос замин яратилганлиги, қадимги туркий шеъриятнинг «туркона» деб аталмиш услуб эволюциясининг ибтидоий, энг биринчи босқичи бўлганлиги ҳақидаги қарашларни бугунги адабиётшуносликнинг ўзига хос муаммоларидан бири ва уни ҳал қилиш зарурати тадқиқот мавзуси муҳимлиги даражасини белгилайди.

Қадимий ўзбек адабиёти тарихи, миллий-маънавий қадриятлари, бой илмий ва адабий меросини холисона илмий ўрганиш ва тарғиб этиш, ушбу бадиий тафаккур тараққиёти умумий қонуниятлари ва анъаналарининг ўзбек мумтоз адабиётида намоён бўлиши, ўз навбатида, аждоқларимиз адабий меросининг мазкур қонуниятлар такомилидаги улкан ҳиссасини ёритиш ўзбек адабиётшунослигининг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Зеро, “Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди”.<sup>1</sup> Шунинг учун айтиш тадқиқот Шарқ мумтоз поэтикаси ривожига беназир ҳодиса бўлган Алишер Навоий лирикаси адабий-эстетик тамойиллари такомилида муҳим ўрин тутган туркона услуб хусусиятларининг ўрганилаётгани билан ҳам долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 23 декабрь. № 258.

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижроси сифатида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек шеъриятида мавжуд бўлган услублар ҳақида яратилган дастлабки тадқиқот сифатида Алишер Навоий асарларини кўрсатиш мумкин. Навоий «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис» асарларида XIV аср ғазалнавислигида ном қозонган Атойи, Гадоий, Саккокий ва Лутфий каби ижодкорларнинг асарларига нисбатан туркона атамасини қўллайди. Навоий бу услубий ўзига хосликни туркий халқлар тилида мавжуд бўлган қўшиқлар хусусияти билан боғлайди. У «Мезон ул-авзон»да қўшиқларнинг бир неча турини тавсифлайди. Асарда туркона услубда яратилган шеърларнинг вазни, мавзу доираси, бадиий хусуситларини таърифлайди.

Қадимги туркий шеърият услубий йўналишлари ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш ўзбек адабиётшунослигининг ҳамон қизиқарли соҳаларидан бири бўлиб қолмоқда: “Ўзбек адабиётшунослиги ҳозирга қадар ўрта асрлар шарқ туркий поэзиясининг ўзига хос кўринишларидан бири бўлмиш туркона услуб ва унинг назарий асосларини ташкил этувчи воситалар, жумладан, туркий ва туркийгўйлик масалалари соҳасида жиддий илмий тадқиқотларга эга эмас. Алишер Навоий лирик девонларининг қиёсий таҳлили унинг мазкур соҳадаги адабий-танқидий қарашлари мезонлари, ижодий изланишлари ва илмий, бадиий кашфиётлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон беради”.<sup>1</sup> Академик Б.Валихўжаев «Алишер Навоий туркий ва туркигўйлик ҳақида»<sup>2</sup> номли мақоласида шоир биринчи бор “Мезон ул-авзон”да қўллаган туркий ва туркигўйлик сўзларининг истилоҳий маъноларини изоҳлаб беради. Туркий атамасини Навоий адабиётшунослик истилоҳи сифатида қўллаганини қайд этиб ўтади. Адабиётшунос олим Ё.Исҳоқов «Навоий ва ўзбек шеъриятида услублар масаласи»<sup>3</sup> номли мақоласида ўзи таснифлаган туркона, классик, олий ёки навоийёна услублар,

<sup>1</sup> Салохий Д. Алишер Навоий шеъриятида туркона услуб анъаналари. – Самарқанд: СамДУ, 2003. - Б.3-4.

<sup>2</sup> Валихўжаев Б. Алишер Навоий туркий ва туркигўйлик ҳақида.// Адабий жанрлар ва бадиий маҳорат сирлари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 1988. - Б. 56-62.

<sup>3</sup> Исҳоқов Ё. Навоий ва ўзбек шеъриятида услублар масаласи.//Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент:1990.№5.- Б 3-8

уларнинг поэтик хусусиятлари ҳақида батафсил тўхталади ва бу услубларнинг ҳар бирини Навоий асарларига таянган ҳолда таҳлил қилади.

Мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлган услубларни ўрганишда Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ҳоди Зариф, В.Абдуллаев, А.Қаюмов, Е.Бертельс, А.Боровков, Э.Рустамов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, А.Рустамов, Н.Маллаев, С.Ғаниева, Р.Орзибеков, Ё.Исҳоқов, Н.Комилов, Р.Воҳидов, И.Ҳаққулов, С.Ҳасанов, Ҳ.Қудратуллаев, Д.Салоҳий, К.Муллаҳўжаева<sup>1</sup> туркий шеърят поэтикаси ҳақида қимматли маълумотлар учрайди ва XIV-XV асрлар туркий шеърятини намояндalари Атойи, Гадоий, Лутфий ва бошқа шоирлар ижодининг ўзига хос поэтик хусусиятлари таҳлил қилинади. Хусусан, Э.Рустамов ўзининг «Узбекская поэзия в первой половине XV века» ва Ё.Исҳоқовнинг «Навоийнинг илк лирикаси» асарларида Навоий ижодининг шаклланишига таъсир этган ижодкорлар ва уларнинг шеърый услубига хос хусусиятлар ҳақида фикрлар билдирилади. Муаллиф Атойи, Саккокий, Лутфий каби туркигўй шоирлар ижодий услубларига қисман тўхталади ва Навоий ижодида бу шоирларнинг таъсири қай даражада бўлганлигига эътибор қаратади. Лекин бу тадқиқотларда ҳам туркона услуб ҳақида етарли маълумот учрамайди.

Адабиётшунос олима Д.Салоҳийнинг «Алишер Навоий ижодида туркона услуб аънаналари»<sup>2</sup> мавзусидаги тадқиқотида Навоий ижоди ва туркий шеърят поэтикаси, хусусан, туркона услуб масалалари, Навоий маълумот бериб ўтган турконалик ва туркигўйлик ҳақида сўз юритилади, аммо бу услуб ёхуд услубий йўналишнинг шарқ мумтоз шеърятининг хуросоний ва ҳиндий услублари билан уйғун ва фарқли жиҳатлари таҳлил этилмайди. Хуллас, ўзбек мумтоз шеърятини услублари бугунги давр

---

<sup>1</sup> Айбек. Очерк развития узбекской поэзии. Антология узбекской поэзии. – Ташкент: 1950; шу муаллиф, Навоий гулшани. – Тошкент, 1967.; шу муаллиф, Асарлар. X томлик. IX-т. – Тошкент: 1974; Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. Асарлар. VI томлик. IV т. – Тошкент: 1972.; Ҳоди Зариф. Фозиллар фазилати. – Тошкент: 1969; Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. – Тошкент: 1968.; А.Қаюмов. Асарлар. 10 томлик. – Тошкент: 2008-2010; Бертельс Е.Э. Избранные труды. – М., 1965.; шу муаллиф, “Улуғ ўзбек шоири” мақолалар тўпламига ёзилган тақриз.//Шарқ юлдузи, 1991.№ 2.; Боровков А.К. К вопросу фонетического анализа стихов Алишера Навои. Ученые записки. ТГПИ. Вып. XII, Ташкент: 1959, стр. 5. Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. – М., 1963.; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Тошкент: 1961.; шу муаллиф, Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. –Тошкент: 1970; шу муаллиф, Навоийхонлик суҳбатлари. –Тошкент: 1993.; шу муаллиф, Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: 1996.; Абдуғафуров А. Навоий сатираси. – Тошкент: 1996; шу муаллиф, Эрк ва эзгулик куйчилари. – Тошкент: 1979.; шу муаллиф, “Ҳазойин ул-маоний” девонларининг тартиб берилиши ҳақида.//Ўзбек тили ва адабиёти, 1995. №№ 3,4.; Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Тошкент: 1972.; шу муаллиф, Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: 1979; Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: 1965.; шу муаллиф, Навоий поэтикаси. – Тошкент: 1983.; шу муаллиф, Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: 2004.; шу муаллиф, Навоий ва ўзбек шеърятинида услублар масаласи.//Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. № 5.; Маллаев Н. Навоий ижодининг халқчил негизи. – Тошкент: 1973.; Ғаниева С. “Мажолис ун-нафоис” асари ва самарқанлик шоирлар.//Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. №6.; шу муаллиф, Мавлоно Лутфий. Манзумалар. – Тошкент: 2010.; Орзибеков. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммаат. – Тошкент: 1976.; Н. Комилов. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: 2012.; Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Тошкент: 1981.; Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси. – Тошкент: 1992.; шу муаллиф, Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: 1994.; Ҳаққулов И. Ғазал гулшани. – Тошкент, 1991.; шу муаллиф, Навоийга қайтиш. 1,2, китоблар. – Тошкент, 2007, 2011; Ҳ. Қудратуллаев. Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари. – Тошкент, 1991; Салоҳий Д. Алишер Навоий шеърятинида туркона услуб аънаналари. - Самарқанд. 2003.; шу муаллиф, Мутафаккир ва мумтоз шеърят. – Самарқанд, 2018.; К.Муллаҳўжаева. “Бадоеъ ул-бидоя” девонида тасаввуфий рамз ва тимсоллар. Филол.ф. номз. дисс. – Тошкент: 2004.

<sup>2</sup> Салоҳий Д. Алишер Навоий шеърятинида туркона услуб аънаналари. – Самарқанд: 2003.

адабиётшунослиги талаблари даражасида, форс-тожик поэзияси услублари каби ўзининг аниқ мезонларига эга бўлган қонуниятлар кўринишида ишлаб чиқилмаган. Алишер Навоий назарда тутган туркона атамасининг аниқ маъно-мазмунни ҳам ҳануз номаълум. Шу нуқтайи назардан, биз ушбу илмий тадқиқот ишимизда туркона шеърят тарихи ва поэтикасини энг қадимги адабий ёдгорликлар, Аҳмад Яссавий, Шайх Худойдоди Вали, Атойи, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий, Навоий ижоди мисолида кўриб чиқиш мақсад қилинди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи” йўналиши асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Мазкур тадқиқотнинг бош мақсади туркона услуб тарихи ва поэтикаси, ўзига хосадабий-эстетик тамойиллари ва услубий жиҳатларини ёритиб беришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

туркий тилдаги шеърят жанрлари, композицион хусусиятлари ибтидоий кўринишларидан бошлаб Атойи, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий каби шоирлар ижодларигача бўлган намуналарини таҳлил қилиш асосида туркона услубнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ қилиш;

Навоий тилга олган туркона услубнинг асосий хусусиятларини ёритиб бериш;

туркона услубда ижод қилган Саккокий, Гадоий, Атойи, Ҳофиз Хоразмий, каби ижодкорлар шеърятини шу услуб бадиий-эстетик тамойиллари асосида таҳлил қилиш;

туркона шеърятда кўпроқ кўзга ташланадиган бадиий тасвир воситалари, уларнинг ижодкор ғоявий мақсадини ифода этишда тутган ўрнини баён этиш;

Алишер Навоийнинг туркона истилоҳини қандай мазмунда ишлатганлиги, шоирнинг бу услубга муносабатини аниқлаш;

туркона услуб бадиий хусусиятларининг Алишер Навоий ижодида қай даражада намоён бўлганлигини мисоллар орқали ёритиб бериш;

туркона услубнинг олиймақом навоиёна услубнинг шаклланувидаги ўрни ва мавқеини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** қилиб энг қадимги адабий ёдгорликлар, XI- XII асрларга оид ёзма ёдгорликлар, хусусан, Аҳмад Яссавий шеърятини, XIV аср ва XV аср биринчи ярмида ижод қилган туркий тилли шоирлар девонлари, Атойи, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий каби шоирларнинг туркона услуб бадиияти анъаналари акс этган асарлари, Шайх Худойдоди Валининг адабий мероси белгиланди. Шунингдек, тадқиқотда Алишер Навоийнинг туркий тилдаги тўлиқ лирик мероси ва илмий асарлари асосий манба вазифасини ўтади.

**Тадқиқотнинг предметини** ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ўзига хос ҳодиса бўлган туркона услубнинг адабиётшуносликда ўрганилиши, йирик шоирлар ижодий услубида синтезлашган ҳолда намоён бўлиши ҳолларини кузатиш ва таҳлил этиш ташкил қилади.



**Тадқиқотнинг методологик асоси ва тадқиқ усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, типологик усулларга асосланган. Айрим лирик асарлар таҳлилида структурал поэтика имкониятларидан ҳам фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XIV-XV асрларда туркий тилда ижод қилган шоирлар асарларида қадимги туркий шеърият анъаналари, образлар тизими, жанр, тил ва услуб хусусиятлари ёрқин намоён бўлганлиги далилланган;

Алишер Навоийнинг адабиётшуносликка доир асарларида келтирилган “туркона” услуб ва “туркий” жанридаги шеър бадиий хусусиятлари, адабий-эстетик тамойиллари, бу омилларнинг ўзбек мумтоз шеърияти шаклланишидаги роли кўрсатиб берилган;

ўзбек шеъриятида туркона услуб ва туркий шеър типидagi асарлар поэтикаси таҳлил этилиб, улардаги мумтоз поэтикага хос жиҳатлар билан янгиланиш тамойилларининг синтезлашуви аниқланган;

туркона услубнинг асосий сифатларидан бири бўлмиш халқчиллик тушунчаси Алишер Навоий ижодида янги мазмун ва руҳ касб этганлиги, ўз даври учун замонавий халқчил қиёфада намоён бўлганлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат: Тадқиқот объектларидан бири саналган Шайх Худододи Вали шеърияти намуналари унинг маноби таркибидан саралаб олиниб, эски ўзбек (араб) ёзувидан табдил қилиниб, илмий жамоатчиликка маълум қилинган. Шунингдек, муаллифнинг туркий шеърият услублари ва жанрларини ўрганиш натижалари бу адабий тенденциянинг ўзбек мумтоз адабиёти кўп асрлик тарихи фонида тадқиқ этиш, қиёслаш, навоийшунослик, матншунослик ишларининг тадрижий такомил босқичини ёритиш имконини беради. Туркона услуб ўзбек мумтоз поэтикасининг шаклланишида ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий аҳамият касб этгани ижодий мерослари ўрганилган шоирлар асарлари воситасида исботлаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўйилган илмий муаммонинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, чиқарилган хулосалар илмий асосланганлиги, тарихий-қиёсий ва аналитик усуллардан фойдаланилганлиги ва таҳлил жараёнида ўзбек мумтоз адабиёти поэтикаси талабларидан келиб чиққанлиги, терминларга баҳо беришда ишончли назарий манбалардан фойдаланилгани олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон адабиётшунослигининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамиятини номлари тилга олинган шоирлар лирикаси, улар шеъриятининг мавзу мундарижаси, бадиий хусусиятларининг бирма-бир кўриб чиқилиши билан белгилаш мумкин. Ушбу тадқиқот орқали Аҳмад Яссавий, Шайх Худододи Валий, Рабғузий, Хоразмий, Атойи, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий ва Навоий каби шоирлар поэтик услуби хусусиятларини аниқлаш имкони вужудга келади, туркона услубга хос бадиий хусусиятлар ҳақида маълумот олиш мумкин бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, илмий изланиш натижаларидан ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабиётшунослиги, услубшунослик каби йўналишларда туркий тилда ижод қилган шоирлар услуби билан қизиқувчилар ва филология факультетлари талабаларига қўлланма сифатида тавсия этиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек мумтоз шеъриятида туркона услуб масаласи тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Туркона шеъриятнинг шаклланиш тарихи”, “Туркона шеъриятнинг адабий-эстетик тамойиллари”, “Алишер Навоий ижоди ва туркона шеърият масалалари” каби мавзуларидан ОТ-Ғ8-027-рақамли “Қўлэзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 августдаги 89-03-2814-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари талаба-ёшларнинг туркона услуб тарихи ва поэтикаси ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг қадимги туркий шеърият жанрлари, уларнинг шаклланишида халқ оғзаки ижодининг таъсири, туркона услубнинг тараққиётида фольклор анъаналарининг аҳамияти ҳақидаги хулосалардан ХТ-Ф2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 89-03-1154-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек мумтоз шеъриятидаги “туркона” услуб ва “туркий” жанридаги шеър бадиий хусусиятлари ҳақидаги фикрларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

туркий шеъриятдаги услублар, хусусан, туркона деб аталувчи шеърий услуб, унинг шаклланиш тарихи, ўзига хос бадиий-эстетик тамойиллари, тамсил, ирсоли масал, ташбиҳ, тазод, талмеҳ каби бадиий тасвир воситаларининг ижодкор ҳис-туйғулари, фикр кечинмаларини очиб беришдаги аҳамияти каби масалалар ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги “Садоқат” ижодий тўғараги ёш ижодкорларига маърузалар қилинган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 01-03-07/1428-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг амалиётга қўлланилиши тўғарак аъзолари бўлган ёш ижодкорларнинг ўзбек мумтоз шеърияти услублари ва уларнинг ўзига хослигини теранроқ англашларига кўмаклашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 3та халқаро конференция ва 2та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (4 таси республика, 1 таси хорижий журналда), шунингдек, турли илмий тўпламларда 3 та мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 150 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўзбек мумтоз шеърлятида туркона услубнинг шаклланиш тарихи”** деб номланади. Мазкур боб тўрт фаслга ажратилиб, биринчи фаслида ўзбек мумтоз шеърляти услубларининг ўрганилиши ҳақида фикр юритилади.

Адабиётшунослик илмида услуб ҳақида бир-бирига яқин ва бир-бирини такрорламайдиган таърифлар ва фикр-мулоҳазалар мавжуд. Услуб арабча тартиб, тизим маъносидаги сўз ҳисобланади. Атама сифатида «Услуб ёзувчининг воқеълик ва инсонни идрок қилиши, унинг қалбидаги ҳақиқатни кашф этиши ва уни сўз воситасида образли ифодалай олиши – бу вазифаларни индивидуал (ўзига хос тарзда) яратиш санъатидир».<sup>1</sup>

Бадий асарларнинг услуб масаласига қадимдан қизиқиш кучли бўлган. Аристотель ўзининг «Риторика» асарида услуб масаласига ҳам эътибор қаратади ва услубни нотиклик санъати билан боғлаб талқин этади.<sup>2</sup> Ўрта асрларга келиб, Европа адабиётшунослигида ҳам услуб масаласида илмий тадқиқотлар юзага кела бошлади. Европа риторикасида пайдо бўлган «индивидуал услуб» атамасини П. Гиро «инсон дунёқарашининг бир озукаси» сифатида талқин эта бошлайди. Француз ёзувчиси Мариво ёзувчи услубини унинг дунёқарашини, руҳияти билан боғлаб ўрганади.

Ўзбек адабиётшунослигида XX аср бошларида бадий асарларнинг тили ва услуби масаласига доир илмий изланишлар яратила бошланди. А. Саъдий, А. Фитрат, С. Айний каби олимлар услубни алоҳида поэтик ҳодиса сифатида ўргана бошладилар. Фитрат «Адабиёт қоидалари» қўлланмасида услуб ҳақида, хусусан, шеърлятдаги услублар ҳақида шундай ёзади: «...шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлгач, ўзига яраша бир услуб борлиққа чиққан бўладир. Гўзал санъатларда ҳар миллатнинг ўзига хос услуби бўлгани каби ҳар замоннинг ўзига махсус услуби бордир».<sup>3</sup>

Олим ўзбек мумтоз шеърлятдаги икки хил услуб хусусиятларига эътибор қаратади. Ҳашаматли услуб деб атаган услубнинг юзага келишида сарой адабиётига яқинлик асос бўлганини таъкидлаб, буни XIV аср охирларидан эрон-ислом маданиятининг таъсири билан изоҳлайди. Халқ

<sup>1</sup> Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. - Б. 236.

<sup>2</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқ кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.

<sup>3</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. -Б.18.

тилига яқин услубда яратилган шеърларни оддий ва содда услуб деб атайти. Бундай услубда ижод қилган Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Машраб каби шоирларни кўрсатиб ўтади ва «ҳашаматли услуб» деб атаган

услуб билан халқона услуб орасида «тоғлар қадар айирма, бошқалиқ бор»лигини айтиб ўтади. Олим мазкур қўлланмасида Алишер Навоий «туркона» деб атаган услуб ҳақида мулоҳаза билдириб, шундай дейди: «Шеърда форс услубига берилиб қолган Алишер Навоий ўзининг «Мажолис» деган китобида баъзи шоирлар таржимаи ҳолини ёзганда «туркона» ёзадир, «туркона» шеърлари бор» деб кўрсатадурким, бу турк услубида ёзадир демакдан бошқа нарса эмас».<sup>1</sup>

А.Ҳайитметовнинг «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» китобида: «Услуб бу маълум тарихий шароитда ижод қилаётган санъаткорнинг маълум дунёқараш асосида адабий традицияларга, тил материалларига, бадиий элементлар ва тасвирий воситаларга ижодий муносабатини англатади»<sup>2</sup>, – деб ёзади ва услубнинг давр ва ҳаёт характери билан боғланиши, унинг хусусиятлари ёзувчининг шахсий темпераменти, ҳаёт тажрибаси, миллий хусусиятларга, бирор адабий йўналишга тамойили кабилар орқали акс этишини айтади.

А.Ҳайитметов туркий шеърятда XV асрдан бошлаб икки асосий услуб фаолият кўрсатганини айтади: “Булардан бири Аҳмад Яссавий асос солган Туркистон услуби, иккинчиси эса Навоий асос солган Хуросон услубидир”.<sup>3</sup>

Навоий асарида қўлланган туркона атамаси ҳақида гапириб, Ё.Исҳоқов шундай ёзади: “Шеърятдаги конкрет услубий йўналиш ҳақида гап борганда Навоий “туркона” атамасини қўллайди. Шоирнинг нозик қайдлари, гарчи йўл-йўлакай баён қилинган бўлса ҳам, туркий шеърят услубига доир биринчи жиддий тажриба ҳисобланади”.<sup>4</sup> Олим туркий шеърятдаги услубий йўналишларни Навоий давригача ва Навоийдан кейинги даврда яшаб ижод этган Хуросон ва Мовароуннаҳр шоирлари ижоди мисолида таҳлил қилади. Уларнинг шеърятини мазмун-моҳияти ва бадиий тасвир воситалари нуқтайи назаридан уч турга ажратади. Булар: туркона, классик ва олий ёки навоиёна. Бу услубларнинг ҳар бири ўзининг ғоявий ва бадиий-эстетик жиҳатларига эга бўлиб, ўзидан кейинги услуб тараққиёти ва шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ё.Исҳоқов Навоийгача ижод этган машҳур ўзбек шоирларини туркона услуб вакиллари сифатида кўрсатади. Бунда олим Навоийнинг “туркона айтур эрди” деган эътирофларига таянади.

Кўриниб турганидек, поэтик ижод соҳасида Навоий адабий танқидчилигида махсус эътибор қаратилган турконалик ва туркигўйлик ҳақида икки муаллиф икки хил муносабат билдиради.

Б.Валихўжаев «Алишер Навоий туркий ва туркигўйлик ҳақида» номли мақоласида туркона услуб ҳақида фикр билдириб, бу услуб хусусиятларини

<sup>1</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. -Б.18.

<sup>2</sup> Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: Фан, 1961. Б.309.

<sup>3</sup> Ҳайитметов А. Ўзбек адабиётида халқчиллик тенденцияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1993.- №2. -Б.5.

<sup>4</sup> Исҳоқов Ё. Навоий ва ўзбек шеърятдаги услублар масаласи. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. -№5. -Б.5.

ўзида жамлаган «туркий» деб аталмиш шеър ва унинг ўзига хос жиҳатларини изоҳлайди. Олим Алишер Навоийнинг бу услуб намояндалари ижодига бўлган муносабатини ва унда яратилган намуналарнинг бадиий хусусиятларини кўрсатиб ўтади. Олимнинг фикрича, Навоий “турк”, “туркона” истилоҳларини умумхалқ номи, шу халққа мансублик, баъзан кўркмас, оддий ва содда маъноларида ишлатган, туркча, туркий сўзларини эса маълум тил маъносида қўллаганлигини таъкидлайди. «Шу билан бир қаторда, Алишер Навоий «туркий» сўзини фақат бир тилга мансубият маъносидагина эмас, балки адабиётшунослик истилоҳи сифатида ҳам қўллаган».<sup>1</sup>

Навоий “туркона” атамасини илмий асарларида мукаммал сайқалланиб келган форс-тожик классик услублари маъносида қўлламайди. Шунинг учун “Мезон ул-авзон”да бу турдаги шеърлар ҳақида бир илова тарзида маълумот беради. Аммо изланишларимиз давомида шу нарса аён бўлдики, улуғ шоир “оддийроқ, туркона” деб атаган шеърят ҳам асарлар давомида сайқалланиб, илк ўрта асарлардаёқ муайян поэтик услуб хусусиятларини ўзида намоён эта борган.

Ё.Исҳоқов Навоийнинг адабиётшуносликка доир асарларига асосланган ҳолда туркий шеърятда асосий услуб сифатида намоён бўлган турконани қуйидагича таърифлайди: “...фикр ва кечинмаларни мураккаб ташбиҳу истиораларсиз, содда ва оддий баён қилиш (автология) туркона услубнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Шунингдек, поэтик синтаксиснинг оддийлиги, енгил вазнларнинг (кўпроқ миллий заминга эга рамал ва ҳазаж баҳри) қўлланиши, қофия масаласида фольклорга яқинлик (яъни аллитерацион-интонацион принципларнинг сақланганлиги), жанр ҳукмронлиги (кўпроқ туюқ), поэтикаси (ғазалнинг ҳажми, композицияси, тематикаси) борасида ҳам туркона ўзига хосликка эга”.<sup>2</sup> Олим туркона услубда яратилган шеърлар учун мураккаб поэтик фигуралар хос эмаслигини таъкидлайди, лекин тажниснинг муҳим мавқега эга эканлигига эътиборни қаратади.

Олимнинг бу таърифларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, туркона услуб Навоий давригача ижод қилган шоирлар шеърятининг кўпчилиги учун хосдир. Айниқса, Атойи шеърятти поэтикасида туркона услубнинг хусусиятлари анча аниқ кўзга ташланади.

Бобнинг иккинчи фаслида **“Қадимги туркий шеърят жанрлари, мавзу ва мазмун ранг-баранглиги”** ҳақида сўз боради. Туркий шеърятнинг энг қадимги намуналари асосида туркона услубнинг шаклланиш тарихи, жанрлар тараққиёти, мавзу-мундарижаси ҳақида фикр юритилади.

Адабий жанрлар ҳақида гап кетганда бевосита туркий халқлар адабиётида вужудга келган жанрлар ҳақида ҳам гапириш лозим. Бунинг учун

<sup>1</sup> Валихўжаев Б. Алишер Навоий туркий ва туркийўйлик ҳақида. Илмий тўплам. Адабий жанр ва бадиий маҳорат масалалари. – Самарқанд, 1998. –Б.56-64.

<sup>2</sup> Исҳоқов Ё. Навоий ва ўзбек шеърятдаги услублар масаласи.// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. –№5.. -Б5.

эса туркий адабиётнинг энг қадимги даврларига оид намуналарига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Олима И.А.Стеблеванинг «VI-VIII асрларда турклар поэзияси» асарида қадимги туркий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари атрофлича таҳлил этилади<sup>1</sup>. Олима бу китобида туркий шеърятнинг тўртлик шакли ҳақида гапириб, бу шаклнинг туркий халқлар қадимий адабиёти учун хос бўлган ва кенг тарқалган жанр бўлганлигини айтади. Б.Валихўжаев олиманинг бу фикрларига асосланиб, этук ва ўткунч ҳақида гапириб, бу жанрларнинг шеърый ҳикоялар бўлганлигини қайд этади.

Сов (ёки сав) Маҳмуд Қошғарий асарида ҳикоя, бирор воқеани ҳикоя қилиб бериш маъноларида қўлланилади. Б.Валихўжаев бу истилоҳни эпик поэзиянинг каттароқ ҳажмдаги асарлари - қиссага нисбатан қўллайди.

«Девону луғотит турк» да йир, куг, кўнуғ каби лирик жанрлар ҳақида ҳам айрим изоҳлар берилди. «Йир - куй, мақом. Кўпинча бу шеърга нисбатан қўлланилади. Бу сўз ир тарзида ҳам қўлланилади».<sup>2</sup>

«Девону луғотит турк»да кўниғ деб аталувчи жанр ҳақида маълумот берилди ва бу жанрнинг хусусиятлари қасидага мос келади. Қасида жанри X-IX асрларда араб адабиётидан форс-тожик адабиётига ўтган. «Девону луғотит турк»нинг баъзи ўринларида учрайдиган адабий парчаларни ўзбек қасидачилигининг энг қадимги намунаси дейиш мумкин.

Қадимги туркий шеърят жанр жиҳатидан қанчалик ранг-баранг бўлса, мавзу доираси ҳам шунчалик кенг ва чуқурдир. «Девону луғотит-турк»даги кўплаб тўртликларда қабилаларнинг ўзаро урушлари тасвирланади. Бу тўртликлардаги мазмуннинг битиктошлардаги мазмунга яқинлигини И.Стеблева «Развитие тюркских поэтических форм в XI веке» асарида кенг таҳлил қилади<sup>3</sup>.

Ахлоқий-фалсафий мазмундаги шеърларда халқнинг ишонч-эътиқоди, фалсафий, ахлоқий қарашлари ўз аксини топган. «Девону луғотит турк»даги кўплаб тўртликларнинг лирик қаҳрамони донишманд ота ёки файласуф киши сифатида ўз қарашларини баён этади. Насиҳатларида инсонни комилликка етакловчи фазилатлар улуғланади. Илм-маърифатнинг қадри, олимларга ҳурмат, меҳмондўстлик, мардлик каби фазилатлар молпарастлик, бахиллик, хиёнат каби салбий ҳислатлардан устун эканлиги уқтирилади.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, қадимги туркий шеърят ўз анъаналари ва бадий-эстетик тамойилларига эга бўлган. Бу анъана ва тамойиллар кейинги даврларда янгича шакл ва услубда такомиллашди. Халқ оғзаки ижоди ва қадимги туркий шеърят анъаналари асосида сайқаллашган бу шеърят услубини Алишер Навоий «туркона» деб атади. Бу услуб XIV – XV асрлар шеърятига асосий услуб сифатида намоён бўлади.

Бобнинг учинчи фасли “**Туркона услубнинг шаклланишида Аҳмад Яссавий ижодининг ўрни**” деб номланади. Унда туркона шеърятнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни Аҳмад Яссавий ижоди мисолида таҳлил этилади.

<sup>1</sup> Стеблева И.В. Поэзия тюрков VI-VIII веков. – Москва: Наука, 1965.

<sup>2</sup> М.Кошғарий. Девону луғотит турк. I т. – Тошкент: Фан, 1963. -Б.9.

<sup>3</sup> И.В.Стеблева. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – Москва: Наука, 1971.

Яҳмад Яссавий XII асрда туркий адабиётни ва эски туркий адабий тилни жаҳон миқёсига кўтарди. У XII асрда тариқатга асос солган йирик сўфий шайх бўлиши билан бирга, моҳир туркигўй шоир ҳамдир. Ҳазрат Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида шундай дейди: «Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон мулкининг шайхул-машойихидур. Мақомати олий ва машҳур, каромати мутаволий ва номахсур эрмиш... Имом Юсуф Ҳамадонийнинг асҳобидиндур...»<sup>1</sup>

Аҳмад Яссавий ҳаёти, у асос солган тасаввуф мактаби ва ижодини ўрганиш узоқ даврларга бориб тақалади. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», Али Сафий Хиравийнинг «Рашоҳату айнул-ҳаёт», Хусайн Вассофнинг «Сафинаи авлиёи аброр», Ҳазинийнинг «Жавоҳир ул-аброр мин амвожил-биҳар» каби асарлар Аҳмад Яссавий, яссавийлик тариқати, бу тариқатнинг давомчилари ҳақида муҳим маълумот беради.

1919 йилда чоп этилган турк олими Муҳаммад Фуод Купрулининг «Турк адабиётида илк мутасаввуфлар»<sup>2</sup> асари эса Яссавий ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда энг мукамал манба ҳисобланади.

Ўзбекистонда эса Яссавий ижодини халққа намоён қилиш Эргаш Рустамовнинг 1972 йил «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 4-5 сонларида берилган «Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси» номли мақоласидан бошланади<sup>3</sup>. Лекин бу мақола ўша даврда ноҳақ танқидлар остида қолади.

Мустақилликка эришилгандан кейинги йилларда эса Яссавий ижодига доир кўплаб илмий мақолалар яратилди. Аҳмад Яссавий ҳақидаги юзлаб мақолаларда адиб ижодига, фаолиятига ҳолисона баҳо берилди. 1993 йил Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилинди. Шоир ижодининг маҳсули бўлмиш «Девони ҳикмат» нашр этилди.

Бу борада амалга оширилган ишлардан И.Ҳаққулов ва Н.Ҳасановларнинг илмий изланишлари алоҳида диққатга сазовордир.

«Девони ҳикмат»да 240 га яқин шеър бор. Э. Рустамов ўз мақоласида қуйидаги маълумотни келтиради: «Ривоят ва ҳикматларда Аҳмад Яссавийнинг 4400 ёки 9900 ҳикмати, баъзан эса ҳар бири юз минг ҳикматдан иборат тўрт дафтари бўлган дейилади. Узоқ умр кечирган Аҳмад Яссавий тўрт ҳикмат дафтари яратган ва 4000 дан ошиқ ҳикмат ёзган бўлса керак»<sup>4</sup>. «Девони ҳикмат»нинг 1896 йилда босилган Қозон нусхасида шоир ўз ҳикматларининг сонини 4400 та деб айтади.

Қул Хожа Аҳмад, ҳар бир сўзинг дардга дармон,  
Толибларга баён қилсам қолмас армон.  
Тўрт минг тўрт юз ҳикмат айтдим ҳақдин фармон,  
Фармон бўлса ўлгунча сўзласам мен.

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Асарлар. 15-том. – Тошкент: Фан, 1968. –Б.153.

<sup>2</sup>Муҳаммад Фуод Кўпрули. Турк адабиётида илк мутасаввуфлар. – Анқара, 1984.

<sup>3</sup>Рустамов Э. Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси // Ўзбек тили ва адабиёти - Тошкент, 1973. №4-5.

<sup>4</sup>Рустамов Э. Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси // Ўзбек тили ва адабиёти, - Тошкент, 1973. №4-5.

«Девони ҳикмат»нинг шоир яшаган даврга оид нусхалари мавжуд эмаслиги тадқиқотчиларда турли фикрлар пайдо бўлишига олиб келган. Ҳикматлар тилининг қадимийлиги борасида аниқ тўхтамга келинмаган. Муҳаммад Фуод Кўпрулининг ёзишича: «Девони ҳикмат» шарқий туркий тилнинг қарлуқ лаҳжаси, хоқония адабий тилида ёзилган. Чунки Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг»да қўллаган бу лаҳжа Яссавий томонидан ҳам ишлатилган. Орадаги давр фарқи, ислом ва ташқи таъсирлар, тарихий-этнологик омиллар туфайли лаҳжада айрим кичик фарқлар юзага келса-да, булар унчалик катта аҳамият касб этмайди. «Девони ҳикмат» диний-тасаввуфий адабиётнинг «Қутадғу билиг»дан кейинги энг қадимги нусхаларидан бири. Лисоний ва адабий асарлар жуда озчиликни ташкил этган бир даврга мансуб «Девони ҳикмат» ҳам тил, ҳам адабиёт тарихи жиҳатидан улкан аҳамиятга эга».<sup>1</sup>

Ҳикматларнинг анчагина қисми ёзма манбалар орқали эмас, дарвешлар айтиб юрган оғзаки ижод намуналари тарзида етиб келган, шунинг учун ҳикматларнинг тили ва услуби дарвешлар томонидан соддалаштирилган, деган фикрларга қарши И.Ҳаққулов эътироз билдирадириб, буни Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида Ҳаким ота ижодидан келтирилган қуйидаги тўртлик билан изоҳлайди:

Тики турғон тўбадур,  
Борғонларни ютадур,  
Борғонлар келмас бўлди,  
Магар манзил андадур.<sup>2</sup>

«Агар ушбу тўртликнинг тили Яссавий даврининг тили эканлигига гумон йўқ экан, унда Аҳмад Яссавий ҳикматларининг тил ва услубининг соддалигига ҳам шубҳа қўзғайвермаслик керак».<sup>3</sup>

Аҳмад Яссавий ҳикматлари Ислом ва тасаввуф илмини туркий тилда баён этган биринчи асардир. Адиб туркий тил ва адабиётда тасаввуф мактабига асос солиш билан бирга, туркий шеърятда ўзига хос услуб яратди. Бу услуб дин ва тасаввуф йўлини содда ва рагон равишда англатувчи услубдир.

Ҳикматлар халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган кўшиқ шаклидаги тўртликлардан ташкил топган. Тўртликлар дастлаб халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган. Кўшиқлар, термалар, лапарлар тўртлик шаклида бўлади.

Ҳикматларнинг кўпчилиги бармоқ вазнида яратилган. Бу вазн қадимги туркий шеърят учун хосдир.

Ҳикматларда баъзан гўзал ички қофиялар учрайди. Булар шеърнинг оҳангдорлигини, мусиқийлигини таъминлайди. Бу ҳам Яссавий шеърятининг халқ оғзаки ижодига ниҳоятда яқинлигини кўрсатади. «Раббим ёди улуғ ёддур» деб бошланадиган ҳикмат тўрт банддан иборат бўлиб, тўртгала бандда ҳам ички қофиялардан фойдаланилган.

<sup>1</sup>Муҳаммад Фуод Кўпрули. Турк адабиётида илк мутасаввуфлар. – Анкара, 1984. -Б.144.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Асарлар. – Тошкент: Фан, 15-том, 1968. -Б.153.

<sup>3</sup>Ҳаққулов И. Аҳмад Яссавий ҳикматларига ёзилган сўзбоши. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. -Б.24.



Турлук ишим, турлук айшим, мунглиғ бошим  
Ирди жоним, кетди ҳушим, окди ёшим  
Ёзиқ билан тўлди тугал ичим-тошим  
Бениёзим оча берсин йўлим менинг.

Туркий адабиётининг XII асрга мансуб йирик вакили Аҳмад Яссавий ижоди туркий шеъриятнинг ривожланиши ва шалланишида алоҳида бир босқич ҳисобланади.

Аҳмад Яссавийнинг ижодий услубини А. Ҳайитметов «Туркистон услуби» деб атади<sup>1</sup>. Бу услуб вакиллари сифатида Аҳмад Югнакий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёр, Турди, Муқимий, Завқий каби шоирларни кўрсатиб ўтади. Туркий шеъриятдаги услубларнинг илк шаклланиш даври халқ оғзаки ижодидан бошланса, ёзма адабиётда Аҳмад Яссавий ижоди бу услубнинг шаклланишини янада тезлаштиради.

Бобнинг тўртинчи фасли «**Шайх Худойдоди Вали ижодий меросида туркона услуб анъаналари синтези кўринишлари**» деб номланади. Бу фаслда Аҳмад Яссавий асос солган тариқат давомчиси бўлган Шайх Худойдоди Валий ижодига тўхталинади. XVI аср бошларига келиб, Яссавий услубидаги тасаввуфий шеъриятда ҳам шаклий ва мазмуний ўзгаришлар кўзга ташлана бошлайди. Бундай шеърият намояндалари асарларида мумтоз ғазал поэтик хусусиятларини ифода этишга интилиш кўзга ташланади. Бу хусусиятлар бадиий ижодда қандай намоён бўлганлигини тасаввур этиш учун XVI аср яссавия тариқатининг йирик раҳнамоларидан бири, суфий шоир Шайх Худойдоди Вали (р.а.) ижодий меросига мурожаат этишни лозим кўрдик.

Шеърларининг аксари қисми ҳамд ва муножотлардир. Маноқиб ва бошқа диний асарлар таркибида бўлган бу ижод намуналари адабиётшунослар эътиборини ҳам тортган. Шоирнинг тили ва баёни ниҳоятда ўзига хос, бетакрор. Буни биргина байтни ўқибоқ ҳис этиш мумкин. “Холиқим севди мени, мен нега севмасман ани” мисраси билан бошланучи ҳамда ўзлик юқининг (дунёвий эҳтиёжларнинг) маърифат йўлидаги тўсиқ эканлиги англатилади:

Мен сени сендин тилармен ўзлугумдин узулуб,  
Ўзлугумдин узмайин ҳаргиз топа олмон сени ...

Эътибор қилинса, тил ва баён тарзи Яссавий услубидаги содда, равон, тушунарли, халқона тилга нисбатан анча мураккаб. Ўз ғазалларида шоир анча мураккаб стилистик композицияларни қўллашга, санъатпардозликка ҳаракат қилганлиги кўзга ташланади. Бу эса бевосита хуросоний услуб хусусиятларини эслатади.

Шундай қилиб, юқорида билдирилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкин:

-туркистоний услубда қадимги туркий халқлар оғзаки ижодида намоён бўлган ва туркона деб аталган услубга хос хусусиятлар Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматнавислигида ёрқин намоён бўлган бўлса, унга эргашиш жараёнида

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Ўзбек адабиётида халқчиллик тенденцияси.// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1993. -№2. -Б.5.

Ўзбек шеърлятида адабий тамойилларнинг хилма-хиллиги ва кенгайишига бевосита таъсир кўрсатди;

-XVI асрда Яссавий услубида асарлар яратган Шайх Худойдоди Вали шеърлятида турконага хос бўлган содда ва равон халқона тил, образли тасвирий ифода, баёнда турконага хос лафзий санъатлардан бир нечтаси фаол кўзга ташланган ҳолда, мумтоз поэтикага хос ифодавийлик, рамзий-мажозий тасвир ва фалсафий талқин жиҳатлари ҳам устуворлик қилади;

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Туркона шеърлятнинг бадий-эстетик тамойиллари”** деб номланади. Бобнинг “Туркона шеърлят жанрлари ва композицияси” деб номланувчи биринчи фаслида туркий шеърлятнинг XIII-XIV асрлардаги тараққиёти, жанрлар ранг-баранглиги ва туркий жанрининг хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Олтин Ўрда адабий муҳитида Носириддин Рабғузий, Қутб Хоразмий, Маҳмуд Булғорий, Ҳисом Котиб, Аҳмад Урганжий, Аҳмадхўжа Саройи, Берка Фақиҳ, Сайфи Саройи каби истеъдодлар етишиб чиқди.

Қасида, мунозара, маснавий каби жанрлар ривожланиш йўлига кирди. Туркий адабиётда янгилик ҳисобланган ғазал, рубоий, қитъа, фард, нома жанрлари тараққий этди. Бадий адабиётнинг мавзу доираси кенгайди, бадий услуб жиҳатидан бойитилди.

Нома жанрини туркий адабиётда биринчи бўлиб Хоразмий бошлаб берди. Лекин айрим тадқиқотларда туркий адабиётда бу жанрнинг анча олдин шаклланигани айтилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида Кунтуғди билан Ўзғурмишнинг ёзишмалари нома жанрининг илк намуналари сифатида кўрсатиб ўтилади.

Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асари ошиқ номидан ёзилган 11 нома, маснавий жанридаги 9 та лирик шеър, 6 ғазал, 1 қасида, 1 муножот, 1 қитъа, 1 ҳикоят ва 1 фарддан иборат.

Номалар асарнинг асосий жанрини ташкил этади. Асарда шоир маъшуқанинг мислсиз гўзаллигини таърифлар экан, баландпарвоз тасвирга алоҳида эътибор беради. Бу ҳақда А.Ҳайитметов шундай фикр билдиради: “...маъшуқанинг мислсиз гўзаллигини поэтик гавдалантиришга бағишланган тасвирларнинг ҳаммаси (уни “кўрк ичра олам подшоси”, “парирухсораларнинг кўркабойи” деб аташ, ҳусни сипоҳининг жаҳонни тутиши, юзини наврўзга, қошини байрам ойига ўхшатиш ва ҳоказолар) маҳбубанинг одатдаги табиий тасвири бўлмай традицион, баландпарвоз тасвиридир. Бунда муболаға, хаёлий эпитетлар, традицион ибора ва ифодалар асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун бундай тасвир услуби асарга алоҳида ёрқинлик бағишлаш билан бирга, уни реалистик асар сифатида эмас, балки романтик асар сифатида баҳолашни тақозо этади. Бундаги маснавий, ғазал ва бошқалар ҳам кўп вақт шу тарзда ёзилган”.<sup>1</sup>

XIII аср охири XIV аср бошларидаги туркий адабиётда ғазал жанри барча шоирлар ижодида кенг ўрин эгаллай бошлади. Маълумки, ғазал дастлаб VI-VII асрларда араб адабиётида вужудга келган. Бу жанрнинг

<sup>1</sup>Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: Фан, 1970. -Б.307.

тараққиёти ва унинг истилоҳий маъноси ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар яратилган.

“Ғазал дастлаб араб поэзиясида вужудга келган бўлса ҳам, унинг шеърятнинг энг яшовчан жанри сифатида шаклланиш йўли, инкишоф тарихи форсий тилдаги лириканинг йирик намояндалари – Рўдакий, Низомий, Ҳоконий, Мароғали Авҳадий, айниқса, Саъдий ва Ҳофизларнинг номи билан боғлиқдир”.<sup>1</sup>

Ғазал жанрининг туркий адабиётда пайдо бўлиши Хоразмий ва Рабғузий номи билан боғлиқ бўлса-да, айрим олимларнинг тадқиқотларида бу жанрнинг анча илгари шакллана бошлагани айтилади. А.К. Боровков: “Аруз туркий халқлар адабиётида X-XI асрлардаёқ шаклланган”<sup>2</sup>, - деса, И. В. Стеблева “Девону луғотит-турк”да халқ оғзаки ижоди намуналаридан ташқари, арузнинг турли вазнларига тушувчи ёзма адабиёт намуналарини кўрсатиб ўтади.<sup>3</sup>

